Insonga naf keltirish — oliy baxt!

# Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2014-yil 8-fevral, shanba № 18 (3367)

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ XXII ҚИШКИ ОЛИМПИАДАНИНГ ОЧИЛИШ МАРОСИМИДА ИШТИРОК ЭТДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 7 феврал куни Сочи шаҳрида ўтаётган XXII қишки Олимпия ўйинларининг очилиш маросимида иштирок этди.**

Ушбу Олимпия ўйинларида саралаш босқичидан муваффақиятли ўтган спортчиларимиз Ксения Григорьева ва Артём Воронов тоғ чанғиси, Миша Ге фигурали учиш мусобақаларида иштирок этади. 5 феврал куни Олимпия шаҳарчасида терма жамоамиз шарафига Ўзбекистон Давлат байроғи тантанали равишда кўтарилди.

XXII қишки Олимпиада мустақил Ўзбекистон терма жамоаси қатнашаётган олтинчи шундай мусобақадир. Мамлакатимиз спортчилари мустақил жамоа сифатида иштирок этган илк Олимпиада — 1994 йилда Норвегиянинг Лиллехаммер шаҳрида ўтган XVII қишки Олимпия ўйинларида фристайл бўйича олтин медални қўлга киритиб, улкан муваффақиятга эришган эди.

Ўтган йиллар мобайнида Ўзбекистон спортчилари Олимпия ўйинларида 6 олтин, 5 кумуш ва 11 бронза, Осиё ўйинларида 54 олтин, 76 кумуш ва 93 бронза медалига сазовор бўлди. Бундай натижалар Ўзбекистон спортга давлат томонидан алоҳида эътибор қаратилаётган ва жадал ривожланаётган мамлакатлар орасида тобора мустаҳкам ўрин эгаллаётганидан далолат беради.

Бугунги кунда спорт ёшларимиз ҳаётида тобора муҳим ўрин эгаллаб бормоқда. Давлатимиз раҳбари, Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгаши Раиси Ислом Каримов таъкидлаганидек, мамлакатимизда 2 миллионга яқин бола спортнинг 30 дан зиёд тури билан мунтазам шуғулланмоқда. Олимпия спорт турлари бўйича терма жамоаларимиз 2 мингга яқин спортчи шуғулланаётган олий спорт маҳорати мактабларида шакллантирилмоқда.

Сочи шаҳрида ўтаётган XXII қишки Олимпия ўйинларида 90 га яқин мамлакатдан 5 минг 500 дан зиёд спортчи иштирок этмоқда.

Ушбу Олимпия ўйинлари учун махсус қурилган «Фишт» стадионида 7 феврал куни жаҳоннинг етакчи мамлакатлари раҳбарлари иштирокида мусобақанинг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Олимпиада машъаласининг ёқилиши маросимнинг энг ҳаяжонли дамлари бўлди.

***

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Сочига сафари доирасида Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедов билан учрашди. Музокарада Ўзбекистон — Туркманистон муносабатларига доир ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

**ЎзА**

### Қурултой

***Кеча Ўзбекистон ёқилғи-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касаба уюшмасининг навбатдан ташқари IV Қурултойи бўлиб ўтди. Уни тармоқ касаба уюшмаси Марказий кенгаши раиси ўринбосари Ғофуржон Ҳамидов олиб борди. Ғ.Ҳамидов тармоқ касаба уюшмасининг 2011-2013 йиллар давомидаги фаолияти ва келгусидаги устувор вазифалар ҳақида батафсил сўз юритди.***

## Касаба уюшмаси қанчалик кучли бўлса, иш жойи шунчалик хавфсиз бўлади

Таъкидланганидек, ҳисобот даврида касаба уюшма ишини мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий ислоҳотлар моҳиятига ҳамоҳанг равишда ташкил қилиш, уларнинг амалга оширилишига кўмаклашиш, тизим фаолиятининг устувор йўналишлари ижросини таъминлаш ҳамда касаба уюшма барча бўғинлари фаолиятининг самарадорлигини оширишга кенг эътибор қаратилди.

Ижтимоий шерикликни кучайтириш ва жамоа шартномавий муносабатларни мустаҳкамлаш борасида ҳам аниқ чора-тадбирлар амалга оширилди. Тармоқлар тизимидаги барча корхона ва ташкилотлар жамоа шартномалари билан қамраб олинди. Ҳисобот даврида келишув ва жамоа шартномаларининг сифати ҳамда таъсирчанлигини оширишга жиддий эътибор қаратилиб, барча жиҳатлар инобатга олинган ҳолда жамоа шартномаларининг тармоқ макетлари ишлаб чиқилди ва корхоналарга етказилди.



Шунингдек, бандликни таъминлаш масалалари доимий равишда диққат марказида бўлди. Тармоқ келишуви ва жамоа шартномаларида ходимларнинг бандлигини таъминлаш, касаба уюшма қўмиталарининг розилигисиз иш берувчининг ташаббуси орқали ходимлар билан тузилган меҳнат шартномаларини бекор қилмаслик, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш, касаначилик меҳнатини ривожлантириш каби қатор мажбуриятлар белгиланган. Ҳисобот даврида тармоқлар тизимидаги корхоналарда 11168 та янги иш ўрни ташкил этилди. Жойлардаги меҳнат органлари орқали 6200 нафарга яқин ногирон, болали аёллар ва имконияти чекланган шахслар ишга жойлаштирилди. Тармоқлар тизимидаги 90 дан ортиқ йирик корхоналарда касаначилик меҳнати жорий этилиб, 5300 нафарга яқин касаначи билан меҳнат шартномалари тузилди ва уларнинг 98 фоизи касаба уюшма аъзолигига қабул қилинди. 198 та корхонага касб-ҳунар коллежларининг 5 минг нафарга яқин битирувчиси ишга қабул қилинди.

*(Давоми 2-саҳифада).*

### 9 феврал — Алишер Навоий таваллуд топган кун



Агар бу зотни авлиё десак, у авлиёларнинг авлиёси, мутафаккир десак мутафаккирларнинг мутафаккири, шоир десак шоирларнинг султонидир.

**Ислом КАРИМОВ**

Аҳли фазл ва аҳли ҳунарға Алишербекча мураббий ва муқаввий (мадад берувчи) маълум эрмаским, ҳаргиз пайдо бўлмиш бўлғай.

**Заҳириддин Муҳаммад БОБУР**

Соҳиби давлат Алишер Навоийдирки, бизнинг замонимиз унинг билан шарафлидир. Унинг табиий майли ва қобилиятининг кўлами икки тилда — туркий ва форсийда шеър айтишга қодир бўлса-да, табъининг майли форсийдан кўра туркийга кўпроқдир. Низомий «Хамса»си жавобида ўттиз мингга яқин байтдан иборат туркий маснавийлари («Хамса»си)дирки, ҳеч ким ундан кўп ва ундан хўб шеър айтган эмас ва назм гавҳарига сайқал берган эмас.

**Абдураҳмон ЖОМИЙ**

Эрур сўз мулкининг кишварситони,
Қаю кишварситон, хисрав нишони,
Дема хисравнишонким, қаҳрамони
Эрур гар чин десанг соҳибқирони.

**Ҳусайн БОЙҚАРО**

...то қиёматгача ва қиёматда ҳам улуғ Ҳазратнинг (яъни Навоийнинг) ёқимли феъллари ва яхши ишлари замон саҳифаларида, кеча ва кундуз варақларида мангу қолур.

**ХОНДАМИР**

Навоий фақат улкан мутафаккир ва шоиргина эмас, балки ўз халқини чиндан севувчи Инсон ҳамдир. Бундай Инсон абадий барҳаётдир.

**Е.Э.БЕРТЕЛЬС**

Ақлий теранлиги ва қомусий билими билан Алишер Навоий ҳатто Уйғониш даври титанлари орасида ҳам алоҳида ўрин тутади.

**ОЙБЕК**

Шеърият ҳайратга солмаган юракларга ачинаман. Майли, бизни ўқимасин, лекин Алишер Навоийни ўқимаган, ўзига маъқул шеърларини ёд олмаган юрак ачинарлидир.

**Мақсуд ШАЙХЗОДА**

## «Эл нетиб топгай меники...»

***Алишер Навоий хайру саховат тажассуми, меҳру муҳаббат тимсоли, ҳомийлар ҳомийси бўлган. Ул зоти шарифнинг мададидан баҳраманд бўлган илму фан, адабиёт ва санъат аҳлининг ҳисобига етиб бўлмайди. Мирхонд, Атоуллоҳ Ҳусайний, Мавлоно Фасиҳиддин, Ҳусайн Воиз Кошифий, Абдураззоқ Самарқандий, Давлатшоҳ Самарқандий, Хондамир каби олимлар, Камолиддин Беҳзод, Қосим Али Чеҳракушо, Шоҳ Музаффар, Абдулло Марворид, Хожа Мирак, Мавлоно Муҳаммад Исфаҳоний каби мусаввир ва наққошлар, кўплаб созандалар, табиблар бевосита Навоий ҳомийлигида яшаб ижод этишган.***

Навоий мамлакатдаги ободончилик ва бунёдкорлик ишларига бош-қош бўлган. 18 минг шоҳрухий динор миқдоридаги бир кунлик даромадининг ўз эҳтиёжидан ортиқ барча маблағини хайрия ишларига сарф этган. Кўплаб мадрасалар, 17 масжид, 10 хонақоҳ, 52 работ, 16 кўприк, 9 ҳаммом, 2 тўғон ва бошқа қатор бино ва иншоотларни қурдирган. Ҳиротдаги «Ихлосия», «Низомия» мадрасаси, «Халосия» хонақоҳи,«Шифоия» шифохонаси, «Дор ул-ҳуффоз» биноси, Марвдаги «Хусравия» мадрасаси, Машҳаддаги «Дор ул-ҳуффоз» хайрия биноси шулар жумласидандир.

Марғани боғи, Тахти Сарипули Сангкашон, Боғчаи Шавқия, Гозургоҳ, Тахти Бобо сўхта каби қатор сайргоҳ ва боғлар ҳам Навоий саховатининг ҳосилаларидир. Унинг 19 та катта ҳовуз ёки сув омборлари бунёд этгани, қақроқ ерларга сув чиқаришга бош-қош бўлгани бунинг ёрқин далилидир. Жумладан, Тус вилоятининг Чашмаи Гулистон боғидан Машҳадгача бўлган 70-80 км. лик канал асосан Навоий маблағига қазилган.

Алишер Навоий ўз даврининг Ҳотами Тойи эди. Ул зот бир гал халқ солиғини ўз ҳисобидан тўлайди. «Халосия» хонақоҳида ҳар йили 2000 та пўстин, чопон, кийимбош, тақия ва кафш улашилган. Навоий бино этган Хожа Абдуллоҳ Ансорий мозоридаги хонақоҳ, «Жамоатхона», «Фаноия», «Зиёратгоҳ», Машҳаддаги Имом Ризо равзасидаги «Дор ул-ҳуффоз», Нишопурдаги Шайх Фаридиддин Аттор сармозоридаги хонақоҳларда ҳам ҳар куни фақир, мискин ва мусофирларга таом берилиб, моддий ёрдамлар кўрсатилган. Айниқса, ҳайитларда хайру саховати чегара билмасди...

*6-саҳифада ўқинг*

***Ўзбекистон транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмасининг навбатдан ташқари Қурултойи бўлиб ўтди. Дастлаб Марказий кенгаш раиси Ўктам Турғунов тармоқ касаба уюшмасининг ҳисобот давридаги фаолиятига атрофлича тўхталиб ўтди.***

## Сарҳисоб ва галдаги вазифалар

Таъкидланганидек, Вазирлар Маҳкамаси, Савдо-саноат палатаси, Касаба уюшмалари Федерацияси ўртасида тузилган Бош келишув асосида 5 та тармоқ келишуви қайта кўриб чиқилиб, уларга меҳнаткашлар, аёллар ва ёшлар манфаатларини ҳимоялашни кучайтиришга доир қўшимча имтиёзлар, Халқаро меҳнат ташкилотининг давлатимиз томонидан ратификация қилинган конвенцияларининг бажарилишини таъминлашга қаратилган бандлар киритилди ва ижроси таъминланаётир.

Ҳисобот даврида 2000 та квоталанган иш жойи ташкил этилди. Биргина ўтган йили аҳолини иш билан таъминлаш Давлат ва ҳудудий дастурларини амалга ошириш натижасида «Ангрен логистика маркази», «Қизилқумцемент», «Оҳангаронцемент», «Оҳангароншифер» ОАЖлари, «Беруний қурилиш материаллари», «Нукустемирбетон» заводи, «Кварц», «Қувасойцемент» АЖлари, «Саноат» МЧЖ каби йирик корхоналарда 992 та касаначилик иш ўрни яратилишига эришилди.

Тармоқ тизимидаги 136 та касб-ҳунар коллежини 2012-2013 ўқув йилида тамомлаган 26125 нафар битирувчидан 1058 нафари корхоналарга ишга жойлашди. Шу ўринда таъкидлаш керакки, ўтган даврда нодавлат секторларга мансуб 642 та корхонада касаба уюшма қўмитаси тузилиб, 25000 га яқин ходим аъзоликка жалб этилди. Касаба уюшма хизматига олинган бошланғич ташкилот раисларига амалий ёрдам кўрсатилиб, улар иш юритиш бўйича услубий қўлланмалар билан тўлиқ таъминланди.

Ходимларнинг ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш ҳам мунтазам эътиборда бўлиб, ўтган йили тармоқ Марказий кенгашига келиб тушган 62 та шикоят ва аризанинг 19 таси ижобий ҳал этилди. Бундан ташқари, Марказий кенгаш юристи томонидан 39 нафар фуқаронинг мурожаати юзасидан ҳуқуқий маслаҳатлар берилиб, амалий ёрдам кўрсатилди.

*(Давоми 2-саҳифада).*

### Конференция

## Таҳлил кўп нарсаларга ойдинлик киритди

***Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари Хоразм вилоят касаба уюшмаси раислар кенгашининг навбатдан ташқари II конференцияси бўлиб ўтди.***

Унда тармоқ касаба уюшмаси раислар кенгашининг 2013 йил ва 2014 йил январ ойи давомидаги фаолияти, тармоқ ходимлари Марказий кенгаши II Қурултойига ҳамда вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси конференциясига делегатлар сайлаш масалалари муҳокама қилинди.

Кенгаш раиси Бахтиёр Ибрагимов ҳисобот давридаги фаолият юзасидан маъруза қилар экан, ўтган даврда бир қатор ижобий ишлар амалга оширилганини қайд этди. Ҳозирда вилоят бўйича тармоқ тизимидаги касаба уюшма ташкилотлари тасарруфида 41940 нафар аъзо бор.

Ўтган йил касаба уюшмалари тизимида «Бошланғич ташкилотлар йили» деб эълон қилингани ҳамда мамлакатимиз мустақиллигининг 22 йиллиги муносабати билан «Хонқа» санаторийсида туман, шаҳар касаба уюшма кенгашлари ҳамда бошланғич ташкилотлар раислари учун ҳафталик ўқув-семинар ташкил қилиниши фаолиятни янада яхшилашга туртки бўлди. «Урганч бахмал» МЧЖ касаба уюшма қўмитаси «Энг намунали бошланғич ташкилот», «Хоразм иссиқлик манбаи» ОАЖ «Меҳнат муҳофазаси бўйича энг яхши корхона» кўрик-танловининг республика босқичида муваффақиятли иштирок этди.

*(Давоми 3-саҳифада).*

Ishonch
2014-yil 8-fevral № 18 (3367)

## O'ZSANOATQURILISHBANK

***Мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Бу борада молия муассасаларининг, хусусан, «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг ҳам муносиб улуши бор.***

***Бугун кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилаётган алоҳида эътибор ҳамда яратилаётган кенг имконият натижасида ушбу соҳалар иқтисодиётнинг етакчи кучига айланиб улгурди, аҳолини иш билан таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Ўтган 2013 йил — Обод турмуш йилида «Ўзсаноатқурилишбанк» томонидан тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди.***

# Мижоз ишончи — бош мезон!







Йил давомида банк томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга 493,9 миллиард сўм кредит ажратилди. Мазкур сармоялар ҳисобига салкам 11791 та янги иш ўрни яратилди. Бу 2012 йилнинг шу даврига нисбатан 1,3 баробар кўпдир.

«Ўзсаноатқурилишбанк» томонидан амалга оширилаётган ишларда ёшларни, айниқса, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг мустақил ҳаётга дадил кириб боришига кўмаклашиш устувор аҳамият касб этаётир. Меҳнат бозорига кириб келаётган ёш тадбиркорларни молиявий қўллаб-қувватлашга эътибор тобора кучайиб бораётир. Банк шу мақсадда 2014 йил 1 январ ҳолатига ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 3 баробар кўп, яъни 5,6 миллиард сўм миқдорда кредит маблағлари ажратди.

Банк сармоялари юртимиздаги кўплаб кичик бизнес вакиллари, айниқса, оилавий тадбиркорларнинг жонига оро кирмоқда. Шу мақсадда йўналтирилаётган сармоялар миқдори ўтган йилдагига нисбатан икки баравар оширилган ҳолда, жорий йилнинг 1 январ ҳолатига 6,5 миллиард сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилди.

Шунингдек, «Ўзсаноатқурилишбанк» томонидан аҳолига янада қулайликлар яратиш мақсадида 2013 йил мобайнида омонатлар билан биргаликда аҳолидан коммунал ва бошқа пуллик хизматлар учун тўловларни қабул қилиш юзасидан минибанклар, кассалар тармоғини кенгайтириш, пластик карточкалар асосидаги хизматлар жозибадорлигини оширган ҳолда нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини жадал ривожлантириш ҳамда янги интерактив хизмат турларини жорий қилиш бўйича талайгина ишлар йўлга қўйилди.

Мазкур молия муассасаси кредитлари ҳисобига замонавий технологияларга асосланган корхоналар барпо этилмоқда. Амалдаги ишлаб чиқариш замон талабларидан келиб чиқиб, модернизация қилинмоқда. Натижада, янги иш ўринлари ташкил этиляпти, аҳолининг даромадлари кўпайиб, фаровонлиги ошмоқда. Буни мижозларнинг эътирофларида янада аниқроқ кўриш мумкин.

### ЯҚИН ҲАМКОР, ДОИМИЙ МАДАДКОР

Бугунги кунда фермерларнинг фаолият турлари кенгайиб, улар чорвачилик, паррандачилик, полиз, сабзавот маҳсулотлари, мева етиштиришни кўпайтиришга, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга, ҳосилдорликни оширишга алоҳида эътибор беришмоқда.

Айниқса, ишлаб чиқариш соҳасида фермерларнинг ҳиссаси ортиб бораётгани қувонарлидир. Биз ҳам халқимиз дастурхонини арзон гўшт ва сут маҳсулотлари билан тўлдиришга астойдил бел боғладик. Фарзандларимиз билан маслаҳатлашиб, чорвачиликни ривожлантиришга аҳд қилдик. Шу мақсадда вилоятдаги нуфузли банклардан бири бўлган «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг Қибрай филиалига мурожаат этдик. Филиал маъмурияти тез фурсатда зарур бўлган кредит маблағини ажратиб берди. Банк билан кўп йиллик ҳамкорлик алоқаларимиз натижасида фермер хўжалигимизда кўплаб ижобий ўзгаришлар юз берди. Қорамоллар наслини яхшилаш, кўпайтириш ва янги иш ўринлари барпо этишга эришдик. Олинган кредитлар ҳисобига 2013 йилда Германия ва Словакиядан 99 бош Голштин наслли қорамоллар олиб келдик.

Ўртача ҳар бир сигирдан бир кеча-кундузда 25-30 литрдан сут соғилиб, туманимиздаги сутни қайта ишлаш корхоналарига етказиб берилмоқда. Дарвоқе, кредитлар натижасида 12 та янги иш ўрни яратилди. Албатта, бу борада «Ўзсаноатқурилишбанк» бизнинг яқин ва ишончли ҳамкоримиз, доимий мададкоримиз бўлиб қолади.

**Абдусамад СУЛТОНҚУЛОВ,**
**«АЗИЗЖОН» фермер хўжалиги раҳбари.**
**Қибрай тумани**

***

2011 йилда яхши ниятлар билан аҳоли дастурхонига ҳўл мева етказиб бериш мақсадида боғ барпо этдик. Бунда бизга «Ўзсаноатқурилишбанк» Шарғун филиали томонидан ажратилган 430,0 млн. сўм имтиёзли кредит асқотди.

Мазкур сармоя ҳисобига Туркиядан 17000 дона серҳосил карлик (пакана) олма кўчатлари олиб келиб, 10 гектар майдонда замонавий интенсив боғ ташкил қилинди. Натижада, хўжаликда 10 та янги иш ўрни яратилди.

Боғдаги ҳар бир кўчат ҳосилга кирганда ўртача ҳар бир туп кўчатдан 10-12 кг. ҳосил олиш мўлжалланмоқда.

Фермер хўжаликларининг ривожланиши мамлакатимизда озиқ-овқат дастурининг амалга оширилишида ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Хориждан интенсив кўчатларни олиб кириш орқали замонавий боғдорчиликни ташкил этишда банкларнинг молиявий кўмаги биз, фермерларнинг эртанги кунга бўлган ишончимизни орттирмоқда.

**Муҳаммади БОБОХОНОВ,**
**«Сариосиё Сабзавот» фермер хўжалиги раҳбари.**
**Сариосиё тумани**

***

Банклар томонидан коллеж битирувчиларини тадбиркорликка кенг жалб этиш борасида яратилган шароит ва имтиёзлардан фойдаланган ҳолда 2012 йилда Андижон саноат ва транспорт коллежини битириб, ҳунармандчиликни ривожлантиришни дилимга тугдим.

Ўтган йили бизнес режа тузиб, дастгоҳ ва хом ашё сотиб олиш мақсадида «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг Андижон филиалига кредит сўраб мурожаат қилдим. Ушбу банк томонидан менга 15,0 млн. сўм имтиёзли кредит ажратилди. Бугунги кунда ёғочга қайта ишлов бериб, аҳолига турли хилдаги нақшинкор тайёр маҳсулотлар етказиб беряпмиз.

Келгусида фаолиятимизни янада кенгайтириб, маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтиришни режалаштирганмиз.

**Нуриддин КАРИМОВ,**
**Якка тартибдаги тадбиркор.**
**Андижон тумани**

***

Тикувчилик цехини ташкил қилиш ниятида тижорат банкига кредит ажратишни сўраб зарур ҳужжатларни тақдим этдим. Банк томонидан ҳеч бир муаммосиз қисқа вақт ичида лойиҳамизни молиялаштириш учун «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг Навоий шаҳар филиали томонидан 39 миллион сўм миқдорида имтиёзли фоизда кредит ажратиб берилди.

Фаолиятимизни бошлаганимизга кўп бўлмаган бўлса-да, муваффақиятларимиз бизни янги зафарларга руҳлантирмоқда. Ишлаб чиқараётган маҳсулотларимиз анча харидоргир. Чунки, мижозларимиз талаб ва истакларини инобатга олиб, сифатли ва арзон нархларда етказиб беряпмиз.

Шу орқали оиламиз учун қўшимча даромад манбаига эришдик.

**Рустам ҚУВОНДИҚОВ,**
**«RUSTAM MAKON» оилавий корхонаси раҳбари.**
**Навоий шаҳри**

***

Ўзсаноатқурилишбанк» раҳбарияти касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаларига кенг жалб қилишга кўмаклашиб келмоқда.

Ўтган йили «Тадбиркорлик ила фаровон ҳаёт сари!» мавзуида ташкил этилган икки босқичли танлов бу борада муҳим ўрин тутди. Унда 81 дан ортиқ ёзма ижодий ишлар ўрганилиб, 6 нафар ғолибга имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи дипломлар топширилди.

Банкларимиз томонидан бундай тадбирларнинг кўплаб ўтказилиши касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини қўллаб-қувватлаш, уларга имтиёзли кредитлар беришда ижобий самара беради.

**Мансур ИБРАГИМОВ,**
**Самарқанд банк коллежи директори**

***

Коллежимизда «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг Самарқанд шаҳар филиали томонидан «Банк хонаси» ташкил этилган. У ерда банк тизими бўйича керакли қўлланма ва адабиётлар мавжуд ва биз, талабаларга ҳамма имкониятлар яратилган.

«Ўзсаноатқурилишбанк» ва коллеж ўртасида ҳамкорлик йўлга қўйилган. Шу асосда таълим масканимизда кўплаб тадбир ва анжуманлар ўтказиб келинмоқда. Жорий йилда ташкил этилиши режалаштирилган навбатдаги танловда янги ғоям билан иштирок этиш ниятим бор.

Таъкидлаш керакки, банк ташаббуси билан ўтказиб келинаётган бундай танловлар бизни изланишга, етук кадр бўлиб етишиб, юртимиз ривожи учун ҳисса қўшишга ундаяпти.

**Нурсалин УМАРОВ,**
**Самарқанд банк коллежи талабаси**

### БАНКНИНГ ХАЛҚАРО РЕЙТИНГИНИ ТАСДИҚЛАШ БЎЙИЧА

«Ўзсаноатқурилишбанк»нинг 2013 йилдаги фаолияти тан олинганлигининг асоси сифатида «Ahbor-Reyting» рейтинг агентлиги томонидан 2013 йил якунлари бўйича рейтингни мониторинг қилиш натижаларига кўра «Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБнинг кредит рейтинги миллий шкала бўйича «uzA+» даражасида, «Ижобий» прогнози билан тасдиқланган. «uzA+» рейтинг даражаси банк кредит лаёқатининг жуда юқори даражасини белгилайди, у банк фаолиятидаги кредит хавф-хатарларининг жуда паст даражасини акс эттиради.

— 2013 йил август ойида «Fitch Ratings» халқаро рейтинг агентлиги банкнинг барча рейтингларини «В» — «Барқарор» даражасида;

— 2013 йилнинг июл ойида «Standard&Poor's» халқаро рейтинг агентлиги банкнинг узоқ муддатли кредитга лаёқатлилик рейтингини «В+» — «Барқарор» даражасида тасдиқлади.

### ЖАҲОН БАНКЛАРИ БИЛАН ХАЛҚАРО ВАКИЛЛИК МУНОСАБАТЛАРИ

Чет эл ҳамда республикадаги етакчи кредит ва молия ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиб, «Ўзсаноатқурилишбанк» ўз мижозларига халқаро ҳисоб-китоблар соҳасида хизматларнинг катта кўламини ҳамда қулайроқ хизмат кўрсатиш шартларини таклиф қилади.

«Ўзсаноатқурилишбанк»нинг вакиллик тармоғи 350 дан ортиқ корреспондент банклар, шу жумладан, 50 та давлатда 338 та чет эл банкини қамраб олади. Уларга UBS AG, Deutsche Bank AG, Credit Suisse, BNP Paribas S.A., Citibank N.A., JP Morgan Chase Bank N.A. каби биринчи даражали Европа ва Америка банклари киради. Вакиллик муносабатларининг кенг тармоғи туфайли, «Ўзсаноатқурилишбанк» ўз мижозлари учун ташқи савдо операциялари бўйича ишончлиликнинг максимал даражасини таъминлаб беради. Халқаро молиявий бозорларда юксак ишбилармонлик обрўйига эга бўлган ушбу банк ўз мижозларига ташқи иқтисодий фаолиятининг мажмуий хизмат кўрсатилиши, малакали маслаҳатларни таклиф этади. Зарур бўлганда, ҳисоб-китобларнинг индивидуал схемаларини ишлаб чиқади. Банк ўз мижозлари учун ташқи савдо операцияларини ўтказиш учун рақобатбардош, мослашувчан шароитларни яратишга интилади.

### ХОРИЖИЙ БАНКЛАРНИНГ КРЕДИТ ЛИНИЯЛАРИ

2013 йил давомида «Ўзсаноатқурилишбанк» томонидан кичик бизнес лойиҳаларини чет эл валютасида молиялаштириш мақсадида:

- банк томонидан 18 млн. доллар миқдорида Хусусий секторни ривожлантириш Ислом корпорациясининг кредит линияси жалб қилиниб, тўлиқ ўзлаштирилди. 2014 йилда ушбу ташкилотдан қўшимча кредит жалб қилинади;
- юқори технологик асбоб-ускуналар импортини молиялаштириш учун Германия банкларидан 25 млн. доллар миқдорида кредит линияси жалб қилинган;
- Хитой технологиялари импортини молиялаштириш мақсадида Хитой Давлат тараққиёт банкининг 50 млн. долларлик кредит линияси ўзлаштирилади (10 млн. доллар кредит келишуви, 40 млн. доллар меморандум имзоланган).

Корея халқаро молия ташкилотлари билан маблағ ажратиш борасида ҳамкорлик муносабатлари ўрнатилди (Корея Эксимбанки ва Корея молия корпорацияси).

Шу билан бирга, 2013 йил Инвестиция дастурида 13 млн. доллар хорижий банкларнинг кредит линияларини ўзлаштириши белгиланган.

Шу кунга қадар кредит линиялари ҳисобига тадбиркорларнинг 14,2 млн. доллар миқдоридаги лойиҳалари молиялаштирилди.

Жумладан:

- Германия банклари кредит линиялари бўйича — 10,5 млн. доллар;
- Жаҳон банкининг «Саноат корхоналарининг энергия самарадорлигини ошириш» кредит линияси бўйича — 3,7 млн. доллар миқдорида маблағлар жалб қилинди.

### БАНК ТОМОНИДАН АҲОЛИГА ЯРАТИЛАЁТГАН ҚУЛАЙЛИКЛАР

Аҳолига янада қулайликлар яратиш мақсадида банк ўзининг жўғрофий тузилмасини кенгайтириш чора-тадбирларини изчил давом эттирмоқда. Жумладан, 2013 йилда банк минибанклари яна 2 тага кўпайиб, уларнинг сони ҳозирда 44 тани ташкил этади. Бу, ўз навбатида, 7,6 мингта мижознинг пул маблағларини тезкор равишда бошқариш имконини яратмоқда.

Таъкидлаш жоиз, «Ўзсаноатқурилишбанк»да жисмоний шахслар қўлидаги пул маблағларини банк кассаларига жалб қилиш ва хусусан пул айланмасини мувофиқлаштириб боришда коммунал хизматлардан фойдаланувчилар учун жойларда ташкил этилган тўлов шохобчалари ва сайёр кассалар фаолияти ўзига хос ўрин тутмоқда. Чунончи, 2013 йил давомида электр ва иссиқлик энергияси, табиий газ ҳамда бошқа пулли хизматлар учун аҳолидан жами 453,8 млрд. сўмлик тўловлар қабул қилинди. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига ( 390,5 млрд. сўм) нисбатан 63,3 млрд. сўмга кўп демакдир.

Банкнинг минтақавий филиалларида омонатлар билан биргаликда аҳолидан коммунал ва бошқа пулли хизматлар учун тўловларни қабул қиладиган 62 та жамғарма, 153 та коммунал ва бошқа пулли хизматлар тўловларини қабул қилиш ва ўтказиб бериш билан шуғулланувчи махсуслаштирилган кассалар фаолият кўрсатмоқда. Шундан 37 таси 2013 йилда аҳоли учун қулай бўлган манзилларда янгидан иш бошлади.

Бундан ташқари, аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектлар учун банк хизмат ва маҳсулотлари турларини ошириш ҳамда улар асосида хизмат кўрсатиш савиясини юксалтириш мақсадида ахборот-коммуникация технологияларидан кенг кўламда фойдаланиш чоралари кўрилмоқда. Шунингдек, PAYNET компаниясининг махсус дастури орқали амалга оширилаётган уяли алоқа компаниялари хизмат тўловлари, IP-телефон хизмати ва Интернет тармоғига кириш хизматлари мижозларга ҳар жиҳатдан манзур бўлмоқда.

Бир сўз билан айтганда, «Ўзсаноатқурилишбанк»да аҳоли қўлидаги бўш пул маблағларининг депозитларга жалб қилинишини кучайтириш ва шу мазмундаги Президентимиз томонидан қабул қилинган Қарорлар талабларини ўз вақтида юксак савияда ижро этишга устувор вазифа сифатида қараб келинмоқда.

Банк томонидан янги хизмат турларини жорий қилиш бўйича ҳам талайгина ишлар олиб борилаётир.

«Шахсий кабинет», «Домашний банк», «SMS-тўлов», «Интернет банкинг», «Банк-Мижоз», «Интернет эквайринг» каби интерактив хизмат турлари жорий қилиниб, мижозларга татбиқ этилган. Жумладан:

- «Шахсий кабинет» дастурида — мижозлар уйида ёки хоҳлаган жойида туриб шахсий ҳисоб рақамларида маблағлар айланиши ва қолдиғини, олган кредитлари қайтарилиши ва омонатлар бўйича ҳисобланган фоизлари тўғрисидаги ахборотларни онлайн равишда олишлари мумкин.

Дастур орқали, шунингдек, банкда янги очилган омонат турлари тўғрисидаги маълумотни олиш, ўзларини «Виза» ва «Смарт-Виста» тизимидаги пластик карталаридан ўтган тўловлар ва қолдиқни назорат қилиш имконига эга бўлишди.

Ҳозирги кунда «Ўзсаноатқурилишбанк» пластик карточкалар асосидаги хизматлар жозибадорлигини ошириб, нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини жадал ривожлантирмоқда. Жумладан, банкдан ташқари нақд пул маблағлари айланишини қисқартириш, уларни банкка жалб қилиш, нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини ривожлантириш мақсадида 2014 йилнинг 1 январ ҳолатига кўра,885 159 дона «Visa» ва «Smartvista» пластик карточкалари муомалага чиқарилди. Ушбу турдаги электрон карточкалардан фойдаланишни фаол ташкил этиш учун жами 7 121 та, шундан 6553 та савдо шохобчасига, 568 та жамғарма касса ва мини банкка терминал ўрнатилди. Бундан ташқари, аҳолини нақд пул билан таъминлаш мақсадида жойларга 20 дона банкомат ҳамда 14 дона инфокиоска жойлаштирилган.

Айтиш жоизки, терминаллар орқали ўтказилган тўловларнинг 82,7 фоизи савдо ва пулли хизмат кўрсатиш шохобчаларида амалга оширилди.

Янги ташкил этилаётган хўжалик субъектлари ҳамда истиқболли савдо ва пулли хизмат кўрсатиш шохобчаларини терминаллар билан таъминлаш мақсадида 2013 йил давомида 1000 дона Smartvista, 500 дона Visa терминали сотиб олиб келинди. Ҳозирги кунда ушбу терминаллар филиалларнинг эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда тақсимланиб, зарур нуқталарга етказиб берилмоқда.

Таъкидлаш жоиз, «Ўзсаноатқурилишбанк» томонидан кўплаб хорижий давлатлар тажрибасига таянилган ҳолда халқаро стандартларга жавоб бера оладиган «Халқаро Visa карточкалардан фойдаланиш бўйича қўлланма» ишлаб чиқилган. Бугунги кунда ушбу манба асосида миллий ва хорижий (АҚШ долларида) валютада Visa Electron, Visa Classic ҳамда (фақат АҚШ долларида бўлган) Visa Gold, шунингдек, юридик шахслар учун мўлжалланган миллий валютадаги Visa Business корпоратив пластик карточкалари муомалага чиқарилмоқда.



**«Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ кредит операциялари департаменти маълумоти асосида «Ishonch» мухбири Насиба ИСМАТОВА тайёрлади**

